



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 27 июль шанба
Сотувда эркин нархда № 155 (2983)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Маърифат соати


Мурувват чечаклари

Ҳали ҳам мурувват чечаклари бўлиб кетди. Бу таърихнинг қадимий ҳаётидан бошланган бўлиб кетди. Бу таърихнинг қадимий ҳаётидан бошланган бўлиб кетди. Бу таърихнинг қадимий ҳаётидан бошланган бўлиб кетди.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Қадри дўстлар! Аввало, сизларни қутлуғ айём — «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил этилганига 10 йил тўгани муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман. Истиқлол йилларида ағуждо келган миллий туризм соҳасининг тарихан қисқа давр мобайнида замон талаблари даражасида ривожланганини, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга самарали ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Дарҳақиқат, ўлкамизда хорижий мамлакатлардан келатган сайёҳларнинг сони йил сайин ошиб бораётгани, янги-янги туристик йўналишларнинг очилаётгани, уларга хизмат кўрсатишнинг яхшиланаётгани замирида сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, изланиш ва иштирокингизнинг ҳиссаси.

Хаммаси Бош майдондан — Мустақиллик майдонидан бошланади. Бу тайёргарлик аста-секин атрофга, истиқлолнинг эмин-эркин, саодатли кунларидан баҳраманд бўлаётган халқимиз дилига, тилига кўчади.



Юртим безаняпти қутлуғ тўйига...

Ахир, Оллоҳ назари тушган, таърихий бекиёс юртимиз асрлар мобайнида хурриятини орзу қилиб келганда. Эндиликда ўтган қисқа давр мобайнида турли жаҳонларда эришган ютуқларимиз ҳатто чет элларда ҳам овоза бўлмоқда. Озод Ўзбекистон бутун жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. У янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган ислохотлари билан, яратувчанлик меҳнати, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини, ҳатто ҳавасини ўзига тортиди. «Ўзбек модели» деган иборанинг хорижликлар тилига тушгани



ҳам бекиёс эмас. Зеро, Истиқлол дея аталмиш сўзининг қадр-қимматини, унинг баъарияти учун энг олиий неъмат эканлигини биз кун сайин тобора чуқурак ҳис қилишимиз. Ўзбекистон мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган буюк тарихий воқеа бўлиб қолиши мумкин...

Бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюраётган меҳмонлар инсоният цивилизациясининг бешикларидан бўлмиш кўҳна ва навқирон шаҳарларимизни, санъат асарлари даражасидаги бекиёс меъморий обидаларни ўз кўзлари билан кўриш, буюк аждодларимизнинг қадимжоларини зиёрат қилиш, юртимизнинг бетакрор бўлаётган табиати, халқимиз томонидан амалга оширилаётган уақан бунёдкорлик ишлари, улғувор ўзгаришлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Уларнинг ҳар бири диёримиздан ўзбек халқининг бой ва шонли ўтмиши, қадимий урф-одатлари, ўзига хос санъати ва маданияти ҳақидаги бой таассуротлар билан қайтаётганларидо ҳам сизларнинг хизматингиз каттадир.

МАЖМУА МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари У.Исмонил раислигида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуи мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазириликлар, идоралар, акционерлик компаниялари, уюшмалар, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг марказий ва

2002 йил — Қарияларни кадрлаш йили

Мароқли учрашув

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги ҳамда Қарияларни кадрлаш йилига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Таъбир Президентимизнинг 1997 йил 26 майдаги «Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида ташкил этилди.

Самарқандда вилоят фаолларининг йилги йили бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодий ривожлантириш бўйича ўтган йили амалга оширилган ишлар, Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон иқтисодий ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳофазат этилди.

Амалий ишлар таҳлили

Кун тартибидоги масала юзасидан Самарқанд вилоят ҳокимининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари М.Хошимов маъруза қилди. Утган олти ой мобайнида вилоятда қатор иқтисодий ишлар амалга оширилди. Янги ички махсулот, саноат, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Халқ ҳўжалигининг асосий тармоқларида ўсиш кузатилди. Айниқса, галлачиликда яхши натижалар қўлга киритилди. Шунга қарамай, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат ишлаб чиқариш соҳаларида мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётган. Қичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, экспортбон махсулотлар ишлаб чиқариш, иншоотлар қурилишида тежамкорликка эришиш борасидаги ишлар замон талабларидан орқанда қолмоқда. Ушбу фонднинг ва корхоналарнинг тизимли ҳисоблагичлари билан таъминлаш талаб даражасида эмас. Ингилда долзарб вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анжуман

Янги ғоя, янги сатр туғилар бунда

Республика ёш ижодкорларининг Зоминдаги анъанавий семинар-танлови бу сафар, айниқса, кўтаринки руҳда ўтди

Анжуманинг очилишида қатнашган Жиззах вилояти ҳокими У.Яманқулов, республика Езувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қадрамони А.Ориповлар ёшларга иккунлик муваффақиятлар тилашди. Ўзбекистон халқ шоирлари Халима Худойбердиева, Жуманиёз Жабборов, Омон Матқоилар семинар давомида ўз ижодлари билан халқимиз эътиборига туша бошлаган ёш қаламкаш шоирларини янги зафарларга руҳлантиришди. Иштирокчиларнинг ҳар бири ижодий намунаси пухта таҳлил этилди. Чуқур мулоҳаза, мушоҳада, муҳокамалар жараёнида янги гоялар, янги сатрлар пайдо бўлди. Назаримизда, эндиликда Зомин адабий мактаби деб тан олинаётган анжуман тобора такомиллашиб, унинг янги-янги саҳифалари очилиб бораётгандай. Улардан биринчи ҳеч иккиланмай устоз ва шогирдлар учрашуви деб аташ мумкин. Яқин келажакда чоп этилаётган туғилар ана шу ижодий ҳамкорлик натижаси, десак хато қилмаймиз.

Уқинг!

Қайсидир вилоятда, қачонлардир анъана бўлган, бугунги кунда унутилиб кетган удумни катта саҳнага олиб чиқиш ва шу йўсида тарғиб этиш шартми?

Бошқаларни билмадим, мен ҳамон ўша японлар мағлуб бўлган кундаги бир япон қизининг кўзларидаги ёши, йиғисини кўз ўнгимдан кетказа олганим йўқ.

ДИҚҚАТ!
БЕВОСИТА МУЛОҚОТ!
Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар сизни қизиқтирадими? Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммолар ечимида қандай саволлар туғилмоқда? Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий

АДЛИЯ ВАЗИРИГА ГАПИНГИЗ БОРМИ?

Мухтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари! Жаҳонда таъминлаш борасида қандай тўсиқлар мавжуд, деб ўйлайсиз? Хуллас, адлия тизимидаги ўзгаришлар, ислохот олдимларни оид савол, тақдир, мулоҳазаларингизни баён этиш ниятингиз бўлса, 2002 йилнинг 30 июль кунини соат 10.00 дан 12.00 гача 133-13-05, 133-51-76 рақамли телефонларга кўчирок қилинг. Сизин адлия вазири Абдусамат Полвонов шахсан эшитгани ва саволларингизга жавоб беради. Агар саволларингиз олдиндан бериб кўймоқчи бўлсангиз, тахририятимиздаги 136-07-94, 133-09-97 телефонлари ёки 133-09-85 факси орқали мурожаат этишингиз мумкин.


Элбек ХОЛИҚОВ, ўза мужбири.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мужбири.

Ўзбекистон-Япония

Кунчиқар юрт мўъжизаси

Таъриба



Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши Япония иқтисодига иссиқ қўрилган талафотлар етказди. Аммо япон халқи бу қийинчиликларни мардондор энгиб ўтиб, жаҳоннинг энг етакчи мамлакатлари сафига қўшилиб олди. Бошқа биронта халқ инқироздан тараққиёт йўлига бу қадар қисқа вақт ичида чиқиб олганини эслаш оғайиб.

Тўнча менгзар бу замон

Гулистон МАТЌУБОВА. Бердак номидagi Қорақалпоғистон давлат муқофоти соҳиб

Эҳтиром

Устоз Иброҳим ЮСУПОВга

Шоиримга бахт берибсан, эй дунё, Қалби дарё бўлиб оқар сан билан...

Шўрликлар

Биз кимиз, йўловчи, умримиз йўлдор, Йўқ, у ёниб тугар, бир ҳовуч қулдор...

Юлдузлар сўнмағай, тўхтамағай вақт, Баҳор гули зўр очилган ҳар бахт...

Кимман мен, не учун келим ҳаётга, Терак шохидаси барча қадриим йўқ...



Яхшилик қилишга ошиқинг

Ўзбекистон Бадий академиясининг кўرғазмалар залида ҳайкалтарош Гулсара Ражабованинг "Яхшилик қилишга ошиқинг" деб номланган асарлари кўрғазмаси намойиш этилмоқда...



Ф. Беккенбауэр ва Б. Раҳимов. Ҳам футболчи, ҳам мураббий сифатида дунёга танилган Франк ака "Немис машинаси"нинг сирини ўзбек футболчи ривож учун очган бўлса, не ажаб!

Эсингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 12 июль жума сониди икки кўшининг ўзaro гуруннини, аниқроғи, чарм тўп ўйини ҳақидаги мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қилганим...

Энди байроқни футболчилар кўтарсин!

Авалл Ўзбекистон Футбол федерацияси бош котиби Бахтиёр РАҲИМОВнинг "Халқ сўзи" мухбири саволларига берган жавоби билан танишсак-да, кейин фикр билдириш навбатини муҳлисларга берсак...

Бахтиёр Икромжонович, XVII жаҳон чемпионатидан кейинги ҳуслаларингиз қандай?

— Илк бор қитъамазда ўтказилган жаҳон чемпионати бахслари ташкилий жиҳатдан жуда мукамал уюштирилганлиги футбол мутахассислари томонидан қайда этилди...

Осиё ўйинлари олдидан

буладими, бунинг фарқи йўқ, — Федерация фаолиятининг янада самарали кечиши учун ҳалақат бераётган муаммоларни даяғла қайта олаёзимиз...

Гол! Ғалаба! (1994 йил) 2002?..



Энди байроқни футболчилар кўтарсин!

қовуштириб утирганимиз йўқ, албатта. Мазкур камчиликларни бартараф этиш чораларини кўряптим. Федерациямиз ижроқўшининг охирига йитилганини ҳам ушбу масалалар кўтарибди. Агарда иккинчи дара ўйинлари бошлангунча қўллар федерация олдидики қарларидан қўтулма экан, улар чемпионат ва биринчилик ўйинларига қўйилмайди...

федерациядан қарлари 70 миллион сўмга етди! Италияда ўтказилган лозим бўлган ўқув-машғулот жаъраидан воз кечишга тўғри келди. Май ойида Словакия терма жамоаси билан кўрик учрашув ўтказилди...

Осиё ўйинлари кўраси ҳақидаги фикрингиз? — Кўралаган ўтказилган бўлмайдими. Гуруҳимиздаги рақибларимиз кучли эмас. Биргина Япония терма жамоаси таркибиде жаҳон чемпионатига қатнашган 5-6 футболчининг борлиги уларнинг қучидан далолат беради...

Соат ШАРИПОВ, киноактёр, телебошловчи, "Шўхрат" мелоди совриндори:

— Кечаги катта йағинда "Биз ҳеч қилдан кам эмасми!" деб айтилган гапни футболчиларимиз ҳам эшитиб қўйса, чиқарибдиққан десан уйдиман. Нима учун бундай дегенгапнинг тушунтириб беришга ҳарақат қиламан...

Пусанда ўтказилган Осиё ўйинларида 23 ёшга бўлган футболчилар қатнашишини эшитиб, тўғриси, ҳурсанд бўдим. Ўзбек футболига юзлаб ёш истеъодлар кириб келган ҳозир. Улар ёшиқ ишжосати билан тўп суради. Фақат уларни қўллаб-қувватлаш керак...

Анвар АБДУВАЛИЕВ, Ўзбекистон радиоси "Аҳборот" бош муҳаррирининг бош муҳаррири:

— XVII жаҳон чемпионати тарихга айланди. Лекин ҳозир ҳам 2-3 нафар футбол ишқибози бир жойда туяланиб қолса, уша утган қуллар роза олиналти. Ҳақамларнинг қимматга тушган хатоси-ю, Роналдо, Рональдиньонинг ўйини, Сенегалнинг қучи, Оливье Каннинг мақбулдан сўнг барвозага сувиб ўтириши, япон ва корейларнинг жонани жаборга бериб қураганини, ўз халқи, ватани олодида баривер юзлари ёғиб бўлганини ҳақиде савриломоқда...

Бугун спортнинг миллатини, давлатини дунёга таништиришга қўдратли қучини ҳар қадамда кўриб турибми. Шундай экан, боқсчиларимиз, курашчиларимиз кўтарсан байроқни футболчиларимиз ҳам кўтарсин-да.

"Халқ сўзи" мухбири Озод РАҲАБОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ

2002 йил 29 июлдан бошлаб иқтисодий ва юридик йўналишдаги бошқармаларнинг етакчи мутахассислари бўш ўринларига ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:

- магистр унвони борлиги; ташқи иқтисодий фаолият масалаларини билиш; чет тилларидан бирини мукамал билиш; компьютерда ишлаш тажрибаси; 23-30 ёш.

Шунингдек, ўрта бўғин раҳбарлари бўш ўринларига ишга қабул қилиш учун ҳам танлов ўтказилади.

Танлов шартлари:

- профессионал иш тажрибаси 3 йилдан кам бўлмаслиги; олий маълумот; чет тилларидан бирини мукамал билиш; 30-40 ёш.

Аризалар Ўзбекистон Республикаси ТИАВ кадрлар бошқармасида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-50-70, 138-50-58.

САВОЛ БИЗДАН...

Дунёда энг кўп автомобиль ва рангли телевизор чиқарадиган, нефть маҳсулотларини кўплай импорт қиладиган мамлакат қайси?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: Айтилган шаҳар Гондурас давлатининг пойтахти. Бу ҳақда Тошкент шаҳридан Шарбулла Асадуллаев ҳамда Георгий Кузьмин хабар қилишди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

ҚУЙДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИ (ТЕНДЕР) ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: Наманган шаҳридаги Наманган давлат университети учун янги ўқув бинолари қурилиши (2-сонли ўқув биноси). Қурилиш муддати — 450 кун.

Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот ўйи, 4-қаavat) иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-36922) 6-14-50, 6-47-91.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамят қурилиш академияси жамоаси академия проректори Қобилжон Алимжоновга воллидан муҳтарамаси ХАДИЧА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича биринчи проректори СУНАТУЛЛО АСОМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Фаргона вилояти ҳокимлигининг архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, вилоят давлат архитектура-қурилиш назорати назирлиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор СОБИР ОДИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент молия институти жамоаси институт катта илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди, доцент Ақром Ибрагимовга рафиқаси УЎЛЛО ИБРАГИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорати, клиника ва жамоат ташвиқотлари, терапевтик стоматология кафедраси мудир, доцент ОЛИМЖОН ЗУФАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва жамоаси талабалар қасаба уюшма ташкилотлари раиси, болалар касалликлари проректентика кафедраси ассистенти Азиз Зуфаровга палари бузқувори ОЛИМЖОН ЗУФАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минақалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибхона — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 677, 28078 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ. Навбатчи — М. ЮСУПОВ. Муасхих — Ш. МАШРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 70000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Тошхарида — 21.20. 1 2 3 4 5 6